

“СИНГАН ҚИЛИЧ” РОМАНИ ТАРЖИМАСИГА ДОИР**Яркинова Барчиной Баргиевна,****“UNIVERSITY OF ECONOMICS AND PEDOGOGY” NOTM***Филология кафедраси доценти, ф.ф.н.**T.: +998916118441, yarkinovabarchinoy@gmail.com*

Аннотация: Мақолада яқин туркий тиллараро таржима масалаларига оид қулайликлар, шу билан бирга ўзига хос мураккабликлар таҳлилга тортилган. Шунингдек, таржимада муаллиф услуби ва шунга параллел равишда юзага чиқувчи таржимон услуби тадқиқ қилинган.

Таянч сўз ва тушунчалар: бадий таржима, муқобил сўз, аслият тили, таржимашунослик, яқин туркий тиллар, таржима тили

О ПЕРЕВОДЕ РОМАНА “СЛОМАННЫЙ МЕЧ”

Аннотация: В статье проводится анализ преимуществ и своеобразных трудностей близкородственного тюркского межязыкового перевода. Также приведён анализ авторского приема и параллельно возникающего приёма переводчика

Ключевые слова и выражения: художественный перевод, вариативное слово, оригинальный язык, переводоведение, близкородственные тюркские языки, язык перевода

ABOUT THE TRANSLATION OF THE NOVEL “BROKEN SWORD”

This article deals with advantages of translating matters of close Turkic languages as well as complexes. Also investigates author's style in comparison with translator's style.

Key words and concepts: literary translation, literary word, literary language, translation studies, close Turkic languages, language of translation

Маълумки, қардош туркий тиллардан ўзбек тилига бевосита таржима қилиш, шубҳасиз, анча қулай. Албатта, туркий тилларнинг грамматик қурилиши, лексик фразеологиясида ўхшашликлар, муштарак қонун-қоидалар ва умумийликлар кўп. Бироқ бундан туркий тиллардан таржима қилганда бир тилдаги сўзларни иккинчи тилга кўчириб қўя қолиш мумкин экан, деган хулоса келиб чиқмайди. Аксинча, туркий тиллардан бир-бирига таржима қилишнинг катта ўнғайликлари билан бирга, бир қанча жиддий машаққатлари ҳам бор. Биринчидан, айнан бир хил график шаклда ёзилган кўпгина сўзлар бу тилларда

тамомила бошқа-бошқа маъно англатади. Бундай сўзларни механик суратда алмаштириш баъзан қўпол хатоларга олиб келади. Бу, хусусан, ҳам аслият, ҳам таржима тилида қўлланадиган айрим сўзлараро маъно тафовутларида кўзга ташланади. Муайян олинган сўзнинг ҳар икки тилда мавжудлиги қайсидир маънода мутаржим меҳнатини осонлаштиради, албатта. Лекин айнан бир сўз аслиятда бошқа, таржима тилида бошқа маънони ифодалаши, ёки кўп маъноли бўлган сўз ўзга тилда ёлғиз бир маънонигина ифодалаши мумкин ва ҳоказо.

Учинчидан, уларда гап семантик томонидан нисбатан кенг ёки қисқа шаклга эга бўлиб, таржима жараёнида ҳар бир тилнинг бу томонидан ўзига хос хусусиятини эътиборга олмаслик сунъийлик, сохталик ва услуб ғализлигини туғдириши мумкин.

Буни биз қирғиз тарихий насрининг мумтоз намунаси ҳисобланган «Синган қилич» романининг мутаржим Турсунбой Адашбоев томонидан ўзбек тилига ўгирилган таржимаси мисолида кўриб чиқамиз.

Туркий тиллардан бир-бирига таржима қилишни ўнғайлаштирувчи бир қанча лексик-грамматик омиллар мавжуд, чунончи, бир ўзакдан келиб чиққан сўзларнинг талаффузи масалаларида умумийлик ва уйғунлик борлиги муаммони анча енгиллаштиради. Бироқ, жуда кўп ҳолатларда ҳамма туркий тиллар учун муштарак бўлиб кўринган умумий лингвистик ҳодисалар замирида шундай катта тафовутлар яшириниб ётган бўладики, буни ҳисобга олмай, ташқи, лекин юзаки грамматик белгиларга алданиб, асардан нусха кўчирган таржимон мушкул аҳволга тушиб қолиши мумкин. Яқин тиллар орасидаги ана шундай нозик жиҳатлар Т.Адашбоевдек икки тил билимдони бўлган моҳир мутаржимни ҳам чув тушириб қўйган ўринлар оз эмас. Бу ҳолда матнга бадийлик нуқтаи назаридан ёндашиш, сўзларнинг образлилик даражасини ҳам ҳисобга олиш керакки, баъзан аслият матнидан «узоқлашиш» таржимани асл нусхага «яқинлаштириш»га хизмат қилади. Масалан, қирғиз тилида «ушкур» - хўрсинмоқ дегани. Аммо таржимада у... «ўшқир»га айланиб кетганки, маъно деярли зид акс этади.

Шунингдек, асарда «аскербашы» ҳамда «аксарбашыл» сўзлари қўлланади. Таржимон ҳар икки сўзни «лашкарбоши» деб берган. Аслида «аксарбашыл» ҳайвон (қўй, улоқ ва ҳ.к.) сўйиб, қурбонлик қилиш маъносини англатади. Асарда тилга олинган даврда одамларни ҳам қурбонлик қилишган. «Қурбонлик» атамаси шу маънода қўлланган. Демак, қурбонлик – инсон қурбонлиги (масалан, Шералини хон кўтариш маросимида Ашир деган йигит қурбонлик қилинади)ни англатган. Бу сўзларни улардаги ташқи ўхшашликка асосланиб ўгирган мутаржим эса янглишган.

Туркий тилларни бир-бирига қиёслаш, уларнинг ғоят ранг-баранг бойликларини тўплаш осон эмас. Бу борада В.В.Радловнинг «Туркий лаҳжалар луғати тажрибаси» номли луғатида жуда муҳим маълумотлар берилган. Китобда кўпчилик туркий тиллар учун тарихий келиб чиқиши жиҳатидан муштарак бўлиб, кейинчалик маъно ўзгаришларига учраган сўзлар жуда яхши акс этган (1, 968-бет). Масалан, «қариндош» сўзини олиб кўрайлик. Бу сўз ўзбек тилида умуман қавм-қариндошликни билдирса, қирғиз тилида у асосан муайян яқинликни англатади: 1) ота тарафдан ўз амакисидан кичик бўлган аёл қариндош - *жиян*. 2) акасига нисбатан *сингил*, аммо опага нисбатан эмас. Татар тилида эса «қариндош» сўзи йўқ. Бу маънода «қардош» лексемаси қўлланилади. Туркий тилларда *ота*, *она*, *ака* каби қариндошлик муносабатларини ифодаловчи сўзлар ва бу сўзларнинг маъно томондан бирикиш хусусиятларида муштаракликлар билан бирга, катта тафовутлар ҳам бор. Ёки ўзбек тилида *ота* сўзи - *дада*, *дод*, *ада*; *она* эса *ая*, *эна*, *она*, *биби*, *буви*, *ача* деб ишлатиладиган жойлар ҳам бор.

Аке /ака/ - қирғиз тилида *ота*, республиканинг жанубий вилоятларида эса *ога* маъноларини беради. Бу сўз *ке* шаклида сўзларнинг таркибига қисқартириб қўшилганда жуда қизик ҳодисалар рўй беради: *энеке* - *онажон*, *атаке* - *отажон*, *эжеке* - (*тўнғич*) *опажон*, *аваке* - *амакижон*, *кизике* - *қизалоқ*, *балаке* - *болажон*, *ўгилгинам*; *Куске* - *Хусанжон*, *Туке* - *Тугалбойжон*.

Бундай ҳолатларга яна кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Бинобарин, таржимон учун албатта таржима луғатларида берилган сўзларнинг лисоний талқини катта енгиллик туғдиради. Бироқ ҳамма иш луғат билангина ҳал этилмайди. Чунки туркий тилларда бир умумий ўзакдан ясалган сўзлар жуда кўплиги, бир хил грамматик шакллар кўплиги, бир хил ўхшаш фразеологизмларнинг анчагина мавжудлигини эътироф этган ҳолда, қардош тиллардан таржима қилиш муаммоларининг мураккаблиги қардош бўлмаган тиллардан таржима қилиш машаққатидан ортиқ бўлса ортиқ, аммо кам эмаслигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки муштараклик бор жойда хилма-хиллик ҳам, зиддият ҳам, тафовут ҳам, ранг-баранглик ҳам бор. Фонетика, орфография, орфоэпия, морфология, синтаксис, стилистикада бундай бор-йўқлик, хилма-хиллик ва тафовутлар тўлиб-тошиб ётибди (2, 137-б).

Ўзбек тилида *тепдим-тепкиладим*, *титдим-титкиладим*, *туртдим-турткиладим* каби сўзлар бор. Бу сўзлар *тепдим*, *титдим*, *туртдим* тарзида алоҳида қўлланганда иш-ҳаракатнинг бир марта, аниқ бажарилганлигини кўрсатса, жуфт ишлатилганда ўша ҳаракатнинг такрор-такрор бажарилганлигини билдиради.

-киладим грамматик кўшимчасининг феъл ўзакларига кўшилиб, янги маъно англатиш доираси чегаралангандир. Бундан ўпкаладим сўзи мустасно, чунки бу идиоматик маънога эга (бирлик шакли ишлатилмайди). Тилдаги бу ҳодиса ўзбек ва қирғиз тилларида ўзига хос хусусиятга эга. Чунончи, қирғиз тилида -кулоо кўшимчаси *оп* феълига кўшилиб, *опкулоо* сўзини ҳосил қилади ва ҳаракатнинг такрорланганлигини (бир неча марта ўпганлигини) билдиради. Аммо ўзбек тилида бу сўзни юқоридаги кўринишда бериб бўлмайди:

... *Эшим жене деп, алтыгын келип, капишыра кучактап жалыны бар оозу менен аймалап опкулоду* (3,403б).

Бу ўринда таржимон сўзни бошқа шаклда ифодалаган, аммо маъно тўғри берилган:

Ёшлик гайрати тўлиб-тошган Эшим маҳкам қучоқлаб, ўпиб-ўпиб олди (4,191б).

Демак, таржимон луғатлардан фойдаланибгина қолмайди, балки ўзи ҳам луғат яратади, сўзларнинг айна бадийий мақсадга мувофиқларни қидириб топади, уларнинг янги-янги услубий қирраларини кашф этади, бунинг устига, асарнинг хусусиятларига қараб, китобхонда ҳар хил кайфият - ғамгинлик, ҳорғинлик, руҳий тетиклик ҳосил қилади, янги санъат асари бунёд этади.

Адабиётлар:

- 1.Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Т. 1, ч. 1. –М.: Изд. вост. лит., 1963. XVIII с. 968.
2. Саломов Ғ., Бобоев Т. Турий тиллардан таржима қилиш проблемасига доир // Таржима санъати.: Мақолалар тўплами. -Б. 137.
3. Касымбеков Т. Эки томдук тандалган чыгармалар. Т. 1. -Фрунзе: Мектеп, 1990. -Б. 185..
2. Қосимбеков Т. Синган қилич. Тарихий роман / Т.Адашбоев таржимаси. -Т., 1980.